Иқтисодий ислоҳот ва самара

# ТОШКЕНТ НОНИ

***энди қадоқланган ҳолда истеъмолчилар дастурхонига етиб бормоқда. Юнусободдаги «Уч қаҳрамон нон» жамоа корхонаси шундай усулга тўла ўтишни такомилига етказаяпти***



***— Тошкент чинакамига нон шаҳрига айланди, — дейди Тошкент нон ишлаб чиқариш уюшмасининг раиси Абдували Нурматов биз билан суҳбатда. — Айни пайтда 53 та корхона шаҳарлик истеъмолчиларга, унинг меҳмонларига ўзининг шу куннинг талабидаги нон, макарон, қандолат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бераяпти. Шуларнинг 39 тасида Олмониянинг «Винклер» жиҳозлари ўрнатилган. Демак, пойтахт аҳолиси эҳтиёжи учун кунига 430 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бўлса шунинг катта қисми мазкур замонавий анжомларнинг ҳиссасига тўғри келаяпти.***

Мустақил юртимизда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва уни жаҳон андозалари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан оммавий ҳаракат 1994 йилдан бошланди. Шуниси қувончлики, бугунги кунга келиб Тошкентда эришилаётган ютуқлар ҳали биронта ҳам бошқа бир собиқ иттифоқдош мамлакатларнинг иқтисодиётида қайд этилгани йўқ. Бизга дунёнинг ривожланган мамлакатларидан кўплаб нуфузли меҳмонлар ташриф этиб туришади. Уларнинг Тошкентда ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотларига бераётган баҳолари жуда юксак ва бу албатта жаҳон андозалари талабларига жавоб беради. Зеро, нон улуғ неъмат. Уни ҳар қанча қадрласак, қадрига етсак барибир оз. Эндиликда шаҳримиздаги 30 фоиз корхона ўзининг ана шу турдаги 30 фоиз маҳсулотини махсус қадоқланған идишларда чиқаряпти. Бу ишларни биринчилардан бўлиб бошлаб берган жамоа — Юнусобод туманидаги «Уч қаҳрамон нон» корхонаси нонвойлари эса бу йил истеъмолчилар дастурхонига ўзининг 100 фоиз маҳсулотини қадоқланган ҳолда етказиб бериш чораларини кўрмоқда.

Ҳар бир янгиликнинг ҳаётга йўл очиши ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун юксак маҳорат, чуқур изланиш ва катта интилиш талаб этилади. Албатта бу шунчаки гап эмас. Ишчан жамоанинг иқтисодий имкониятлари бунга тўла йўл очади.

— Корхонамиз 1995 йилда ишга туширилган, — дейди бу ерда айни пайтда бош директор вазифасини бажараётган Фахриддин Иброҳимов биз билан суҳбатда. — Бу албатта, истиқлол шарфоати. Мустақиллигимизнинг меваси. Корхонамиз ҳаракатга келганидан буён уни ҳар томонлама иқтисодий ва техник жиҳатидан такомиллаштириш билан боғлиқ барча ишларни йўлга қўйдик. Замонавий серунум линиялар чет эллардан олиб келиниб, ишга туширилди. Биз Олмониянинг дунёда тан олинган «Винклер» линияларини олиб келиб ўрнатиб, ҳаракатга келтирганимиз бежиз эмас. Бу замонавий технология ўзида жуда катта имкониятларни мужассамлаштирган. Жаҳон андозаси талабларига мос равишда маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш айниқса, биз учун муҳимдир. Очиғи ўтган йиллар ишчан жамоамиз учун изланиш, интилиш йили бўлди. Мамлакатимиз пойтахтининг Юнусобод тумани аҳолиси дастурхонига сифатли, ҳеч бир эътирозга сабаб бўла олмайдиган сарҳил нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришнинг барча чораларини кўрдик. Бу борада эришган ютуқларимиз ўзимизники. Айни пайтда жамоамиз корхонани узлуксиз иш мароми билан таъминлаган. Шу ернинг ўзида тайёрланаётган 50 дан зиёд нон ва нон маҳсулотлари биз билан шартнома асосида ишлаётган 70 та дўкон ва фирмали дўконларимиз орқали харидорлар дастурхонини безамоқда.



Дарҳақиқат, «Уч қаҳрамон нон» жамоа корхонасида эътиборга молик ишлар кўп. Биз яқинда бу ерда бўлиб корхонада амалга оширилаётган яна бир янгиликдан бениҳоя тўлқинландик. Туман ҳудудида ишга туширилган янги қандолат цехи 50 га яқин қандолат маҳсулотлари билан истеъмолчиларни таъминламоқда. Бу эса «Бодомзор»даги янги қандолат цехи ҳисобига 15 нафар қўшимча ишчининг янги иш жойи билан таъминланганини ҳам ифодалайди. Бунинг эвазига ҳозир бутун жамоада 120 нафар мутахассис ходим ишламоқда. Улар ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотларини, қандолат маҳсулотларини бугунги кун талаблари даражасида бўлиши учун етарли куч-ғайратларини сарфламоқдалар.



Корхона аҳли ҳамиша янгиликка интилиб яшайди. Изланиш интилиш билан бугунги кунда ҳаётимиз учун зарур бўлган янги усулларни қўллашнинг зарур чораларини кўради. Айни пайтда «Уч қаҳрамон нон» жамоа корхонаси ўзининг 30 фоиз маҳсулотини қадоқланган ҳолда елим салафан халта билан харидорларга тақдим этмоқда ва у албатта бирон марта ҳам пештахталарда туриб қолаётгани йўқ. Бу янгиликни ривожлантириб бутун маҳсулотни 100 фоиз шундай усул билан ишлаб чиқаришни ишчан жамоа ўзининг катта муддаосига айлантирган.

Биз юқорида «Тошкент нони»ни жуда катта ифтихор билан тилга олдик. Албатта бунинг боиси бор: «Уч қаҳрамон нон» жамоа корхонасига ташриф буюрсангиз, нон маҳсулотларининг бир-биридан ширин ва жозибали жиҳатларини кўриб кўзингиз қувнайди. Унда амалга оширилаётган ишлар янги ютуқлар йўлида қўйилаётган муҳим қадамлар эканлигини эшитиб чин кўнгилдан қувонасиз. Албатта бу бежиз эмас. Бугунги ҳаётий талаблар изланиш ва интилишни, истеъмолчи ва харидор олдидаги бурчни кучайтирмоқда. Бу бурчни ҳис этишнинг масъулияти катта. Қолаверса, ҳаётнинг ўзи бозор иқтисодиёти билан боғлиқ катта сабоқларни бермоқда. Дастурхонимиз кўрки, тўкин-сочинлигимиз манбаи, фаровон ҳаётимизнинг ифодаси бўлмиш нон маҳсулотларининг турлари кўпайиб, сифатли яхшиланмоқда. Фойдали хусусиятлари ортмоқда. Зеро, мустақиллик боис, истиқлол туфайли мамлакатимизда ғалла мустақиллиги таъминланаяпти. Бу эса ҳар биримизнинг дастурхонимизга кўрк ва алоҳида файзу-тароват бахш айламоқда.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ.**

**СУРАТЛАРДА: корхонанинг ташқи кўриниши; механик Андрей Соловьёв билан қадоқлаш устаси Наима Жуманова янги ускунани моҳирлик билан бошқаришмоқда; корхонанинг фирмали дўконида элликдан зиёд нон ва нон маҳсулотлари, қандолатларни харид қилиш мумкин.**

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

Партия ахбороти

# ҚАТТИҚ ҚОРАЛАНДИ

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шу йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида содир бўлган мудҳиш воқеаларга партия аъзоларининг муносабати муҳокама этилди.***

Йиғилишда сўз олган Республика Олий Мажлиси депутати, вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Абдулла Абдиназаров ва бошқалар мустақиллигимизни, мамлакатимизда кечаётган осуда ҳаётни кўролмайдиган бир гуруҳ қора ниятли экстремистларнинг пойтахтимизда содир этган кирдикорларини қаттиқ қораладилар. Партия Кенгаши йиғилишида воҳа аҳлига ҳушёрликка даъват этувчи Мурожаатнома қабул қилинди.

Шунингдек, Кенгаш йиғилишида партиянинг сиёсий ва жамоатчилик ташкилотлари билан олиб бораётган ишлари, Наврўз байрамига кўрилаётган ҳозирлик ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусида вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Зокир Раҳимов, котиб Баҳриддин Муродовларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қиинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Косон туман Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман партия Кенгашининг биринчи котиби Бозор Чўлиев вазифасидан озод этилди.***

Йиғилишда табиатни муҳофаза қилиш туман бўлими назоратчиси Маҳмуд Қобилов Косон тумани партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг биринчи котиби Абдулла Абдиназаров, иккинчи котиби Зокир Раҳимов, Косон тумани ҳокимининг ўринбосарлари Равшан Шоймардонов ва Дилшода Зубайдуллаевалар иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

**Комил САХАТОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.**

Биз ва қонун

# ИНСОНИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

***Баҳриддин НОРХЎЖАЕВ — Жиззах вилоятининг Жиззах туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Бир неча йиллар давомида Жиззах шаҳар судида хизмат қилди. Уч йилдан буён Дўстлик тумани судининг раиси вазифасида ишламоқда. Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.***

Биз Баҳриддин билан унинг раҳбарлигида кейинги ойларда кўриб чиқилган 3 та жиноий иш хусусида фикрлашдик. Қизиқ бир ҳол: уччала ишда ҳам судья жиноятчиларга нисбатан қонунда кўрсатилган энг кам жазодан ҳам кам жазо тайинлабди.

— Бу нима, кўнгилчанлик эмасми? — сўрадим ундан.

— Йўқ, асло, — жавоб қайтарди ёш, бироқ, истиқболли судья, — кўнгилчанлик эмас, балки адолатнинг ҳақиқий тош-тарозусига қараб иш тутишдир. Аввалги йилда республикамиз судьялар ассоциациясининг биринчи съезди бўлиб ўтганди. Янглишмасам, унда ўзингиз ҳам иштирок этгандингиз. Ўша съездда судьялар баъзи ҳолларда биринчи марта йўлдан адашган, жиноятчилик кўчасига билиб-билмай кириб қолган ёшларга жазо тайинлашда қаттиққўллик қилиб юбораётганликлари, ҳар бир конкрет ҳолда инсонийлик тамойилларидан келиб чиққан тарзда иш юритмоқликлари лозим эканлиги қайта-қайта уқтириб ўтилган эди. Бу нарса республика Адлия вазири С. Мирсафоевнинг нутқида ҳам ўз аксини топганди.

Ҳа, ёш, бироқ тажрибали судья худди мана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда юқорида айтиб ўтилган ёшларга нисбатан анча енгил жазо тайинлади. Келинг, қимматли ўқувчим, масаланинг мазмун-моҳиятига сиз билан биз ҳам чуқурроқ кириб борайлик. Ўшанда судья нечоғлик тўғри қарор қабул қилганлиги сизга ҳам ойдек равшан бўлади-қолади.

Биринчи мисол. 1998 йилнинг июль ойида туман суди 1980 йилда туғилган Ойбек Ражабов ҳамда 1981 йилда туғилган Абдушукур Матғозиевларнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Ўсмирларнинг иккаласи ҳам Ангрен шаҳридаги 20-техник лицейнинг 2-курсида таҳсил кўришаркан. Улар ёзги таътил кунлари ўзлари яшайдиган Дўстлик туманининг Қосим Раҳимов номли ижара-ширкатлар бирлашмасига келишаётганда Ойбекнинг кўнглида ғаразли фикр уйғонади. У ўз дўстини кўчада пойлоқчи қилиб қолдиради-да ўзи фуқаро Э. Носировнинг хонадонига кириб, қиммати 50 минг сўмдан кам бўлмаган 5-6 ёшли сигирни бузоғи билан бирга етаклаб чиқади. Кейин эса дўстини яна пойлоқчи қилиб қолдиради ва фуқаро Н. Ўсаровнинг 5 яшарлик сигирини ўмаради. Иккала шоввоз икки бош сигир ва бузоқни етаклаб Дўстлик шаҳри бозорига сотиш учун олиб кетаётганларида ўз молларини излаб юрган эгаларига дуч келиб қолишади ва қўлга тушишади.

Жиноятнинг «кашфиётчиси» Ойбек Ражабов суд ҳукми билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мол ўғирлашда бевосита қатнашмаган, лекин пойлоқчилик қилиб турган Абдушукур Матғозиевга эса суд 3 йил шартли равишда қамоқ жазоси тайинлади. Жазони белгилашда ҳар иккала судланувчининг содир этилган жиноятдаги роли, уй-жой шароити, хулқ-атвори — ҳамма-ҳаммаси инобатга олинди.

Иккинчи мисол. Бу жиноий иш Америка детектив фильмларидаги воқеаларга ўхшаб кетади. Унинг содир этилишида телевизорнинг талайгина каналлари бўйлаб кечаю-кундуз бетиним равишда намойиш этилаётган фильмлар асосий ролни ўйнаган бўлса ажаб эмас.

... Дўстлик туманига Самарқанд вилоятидан келиб қолган, оиласи билан ажрашган Нигора Сафарова деган, уч фарзанднинг онаси бўлмиш аёл жиноий қилмишини рўёбга чиқариш учун ўзи ижарага яшаётган хонадон эгасининг фарзанди, тумандаги иқтидорли болалар лицейининг ўқувчиси Гулруҳ Шарофиддиновани ўз тўрига илинтиради. У ота-онаси тижорат билан шуғулланувчи, ўзларига ҳийла тўқ бўлган 10-синф ўқувчиси Ҳилола Нуритдиновага айнан Гулруҳнинг қўли билан хат ёздиради...

Пихи қайрилган бу аёл мазкур хатда Ҳилоладан туман марказидаги болалар кўнгил очиш боғининг газ-сув дўкони ёнига, тахта устига 10.000 сўм пул қўйиб қўйиши лозимлиги, акс ҳолда қизни ўлдириб кетишлари мумкинлигини айтган. Ҳилола қўрқиб кетиб бундан ўз ота-онасини огоҳ қилади. Улар эса тегишли ташкилотларни...

Товламачи аёл пулни олиб келиш учун ҳам хат ёзган Гулруҳнинг ўзини сафарбар қилади. «Бориб пулни олиб келиб бер, сенга ҳеч нарса бўлмайди» дея алдайди уни. Қизча пулни олиб келиш мақсадида иккита ёш укаси билан тайинланган жойга келганида эса ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади.

Кўриниб турибдики, Гулруҳ ўзидан ёши анча катта товламачи аёл қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган. Аслида у жиноятга қўл ураётганлигини ҳам англаб етган эмас. Суд ҳайъати ушбу иш юзасидан ҳукм чиқарар ва жиноят «ижодкори» Н. Сафаровага нисбатан қилмишига яраша жазо тайинлар экан, содда қиз Гулруҳнинг шахсини, аъло ўқишини, оила шароити ва бошқа жиҳатларини инобатга олган ҳолда унга шартли равишда жазо тайинлади.

Учинчи мисол. Бу ишда ҳам асосий жиноятчининг «кўмакдоши» бўлмиш йигит бор-йўғи 17 баҳорни қаршилаган. Туманга бир неча йил аввал келиб қолган, ҳеч ерда ёлчитиб ишламаган, хулқи-одоби бузуқ О. Э. исмли, 40 ёшларни қоралаб қолган аёл ҳали мўйлаби сабза урмаган йигитни йўлдан уради. Уни ўз оғушига олишдан мақсади эса — Даврон Ж. исмли бу йигитнинг қўли билан бировларнинг мулкини ўғирлаш эди. Охири шундай бўлади ҳам. Маккора аёлнинг тузоғига илинган ўсмир кунлардан бирида қўшни фуқаронинг уйига ўғирликка тушиб, унинг ўша пайтда нархи 20.000 сўмдан ортиқ бўлган видеомагнитофонини ўмариб чиқади.

Суд ҳайъати бу ишни кўришда ҳам адолат тарозусининг ҳамма тошларига эътибор берди. Жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, илдиз-томирлари синчиклаб ўрганилди. Маккора аёл О. Э. 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Унинг тўрига илинган Даврон Ж. га эса 2 йил қамоқ жазоси берилди. У, албатта, яқинда Президентимиз томонидан эълон қилинган амнистия шарофатидан баҳраманд бўлади.

... Дўстлик тумани судининг фаолияти, томчида қуёш акс этгани каби, мустақиллигимиз туфайли суд тизимларида инсонийлик тамойиллари чуқур из қолдираётганидан ёрқин далолатдир. Сир эмаски, собиқ тизим даврида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фуқароларни арзимаган қилмишлари учун ҳам қаттиқ жазога гирифтор этар эдилар. Энди эса замон, давр руҳи ўзгаряпти.

— Фуқароларимизда судларга фақатгина жазоловчи орган сифатида эмас, балки ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ишончли суянчиқ, тиргак сифатида қарашни шакллантириш пайти етиб келди, — дейди суҳбатимиз сўнггида Баҳриддин Норхўжаев. — Бу нарса судлар фаолиятининг нечоғли адолатли бўлишига боғлиқ. Шунга эришмоқ учун курашмоғимиз лозим.

Биз суд раисининг орзуларига қанот тилаб қоламиз.

**Қодиржон СОБИРОВ.**

Луқма

# ПАНД ЕБ ҚОЛМАНГ...

***Яқинда чет эл ахборот воситалари антиқа бир хабарни тарқатдилар. Патриция Хэнли деган хоним тамаки ишлаб чиқарувчи «Филипп Моррис» компаниясини судга берибди. Маълум бўлишича, компания тамакининг зарарли эканлиги ҳақида огоҳлантирмаган, шу сабабли бундан бехабар бўлган аёл тамаки чекиб, рак касалига мубтало бўлибди. Қизиқ бир ҳол: тамакининг кони зарар эканлигини ҳамма билса-да, қонунга зид равишда компаниянинг тамаки қутиларида ҳеч қандай огоҳлантириш ёзилмаган экан...***

Суд Патриция хонимнинг даъвосини асосли деб топган ва «Филипп Моррис» компаниясини 50 миллион доллар жарима тўлашга мажбур қилган. Хоним бу пулларни чекишнинг зарари ҳақидаги ташвиқот ишларига сарфламоқчи.

Биз Тошкент метросидаги раҳбарлар ҳам «Филипп Моррис» компанияси сардорларининг аҳволига тушиб қолмасмиканлар, деган хавотирдамиз. Зеро, метро вагонларида Ўзбекистон Республикасининг «Реклама ҳақида»ги шу йил 6 январдан кучга кирган қонуни қўпол равишда бузилаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Келинг, шу йил февраль ойи давомида вагонларда сурункасига реклама қилинган «Эл-Эм» сигареталари ҳақида фикр юритайлик. Бу ерда Қонуннинг бир неча бузилиш ҳолларига йўл қўйилган. Биринчидан, чекишнинг зарари ҳақида бирон бир огоҳлантиришга кўзингиз тушмайди. Фотосуратда тасвирланган йигит ва қизлар ўзларини жуда яхши кайфиятда сезмоқдалар. Автомобиллар, теварак-атрофнинг кўриниши, «Эл-Эм» сигарети қутиси жуда чиройли кўринишга эга ва ёшларни беҳос ўзига жалб қилади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 48 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини эсга оладиган бўлсак, бу реклама уларнинг ҳаётида қандай роль ўйнаяжаги ҳаммага маълум. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун ўша тамаки реклама қилинган метро вагонларини бир-бир эслатиб ўтганимиз маъқул: бу «Чкалов — Беруний» йўналиши бўйлаб қатновчи 7801, 7966, 8640, 8752-вагонлар, «Собир Раҳимов — Буюк Ипак йўли» йўналиши бўйича қатнайдиган 0121, 0427, 7690, 8591 — вагонлардир.

Ҳа, тағин панд еб қолманг, жаноблар!..

**Суҳроб МЎМИНОВ, Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат Университетининг талабаси.**

Internet
ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Гамбургда Ўзбекистоннинг Германиядаги иқтисодиёт кунлари ниҳоясига етди.
- Москвада Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг кўпгина масалалари муҳокама этилди.
- Анқарадаги давлат хавфсизлиги суди Курд ишчи партияси етакчиси Абдулла Ўжоланни дастлабки сўроқ қилиш жараёнини якунлади. Унга «Ватанга хиёнат қилиш ва айирмачилик фаолияти билан шуғулланиш» айблари қўйилади. Туркия жиноят кодексига кўра, бундай жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланиши мумкин.
- Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин шанба куни ошқозон ярасини шифохона шароитида даволашни давом эттириш зарурати юзасидан Марказий клиник касалхонага ётқизилди.
- Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар уюштирган Норвегия Бош вазири Хел Бунневик Қоҳирада мисрлик ҳамкасби Камол Ал-Ганзурий билан учрашди. Бунгача Норвегия Бош вазири Исроил, Фаластин мухторияти ва Иорданияда бўлган эди.

Қонун устиворлиги йўлида

# НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

***Республикамиз Прокуратурасининг жойлардаги барча тизимлари каби туманимиз прокуратураси ҳам қонун устиворлигини таъминлаш борасида ҳаётий, муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Айниқса, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик корхоналар ва тадбиркорлар фаолиятини такомиллаштиришга оид қонунларнинг ижросига изчил эътибор бериб келинмоқда.***

Ўтган йилда прокуратурамиз томонидан ўтказилган текширишда асосий эътибор Республикамиз қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари жойларда қандай бажарилаётганлигига қаратилди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш, банк-кредит соҳасини такомиллаштириш, мулк даҳлсизлигига эришиш, бозорлар фаолиятини шу кун талаблари даражасида ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш ва фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган текширишлар айниқса самарали бўлди. Уларнинг якунлари бўйича 25 та протест, 46 та тақдимнома, 35 та амрнома, 138 та огоҳнома киритилди. 41 нафар киши интизомий, 112 нафар мансабдор шахс маъмурий, 81 нафар киши моддий жавобгарликка тортилди, етказилган зарарларни ундириш учун туман судига 152 та даъво аризаси киритилиб, барчаси қаноатлантирилди.

Банк тизимидаги текширишлар туманда дебитор-кредиторлик қарзларининг етарли назорат қилинмаганлигини, бу соҳанинг ночор ҳолатга тушиб қолганлигини кўрсатди. Амалдаги йилнинг бошланишига қадар туман бўйича 198 миллион 884 минг сўмлик дебитор ва 956 миллион 318 минг сўмлик кредиторлик қарзлар бор. Бу соҳада айниқса Навоий, А. Икромов, Охунбобоев, Сегизбоев номли, «Озод», «Қаҳрамон», «Маданият», «Оққўрғон» хўжаликлари, шунингдек, 16-механизациялашган кўчма колонна ва тайёрлов идорасидаги аҳвол ачинарлидир.

Оққўрғон туманидаги 3641-халқ банки назоратчи-ғазначиси З. Ҳосилов эса ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиб, 56 нафар омонатчига тегишли бўлган 66.933 сўмни ўзлаштирганлиги аниқланди. Табиийки, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 167-моддаси, 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, давлатга етказилган зарар ундириб олинди. Ўзи эса озодликдан маҳрум этилди.

Давлат ва жамоат мулкларини талон-тарож қилиш бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳам содир этилган. Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалиги бош муҳандиси З. Аҳмедов битта тракторнинг эҳтиёт қисмларини сотиб юборган. 1-катталар таълим мактаби директори А. Қосимов кўп миқдорда пул ўзлаштирган, ўрмон хўжалиги Оққўрғон бўлими ўрмончиси А. Абсаматов дарахтларни кесдириб, сотиб пулини ишлатиб юборган. Улар қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

Озиқ-овқат савдосидаги камчиликлар юзасидан бошқа соҳаларга нисбатан кўп шикоятлар тушмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки айрим қинғир қўлли сотувчилар ўз балойи нафслари «фойдасига» ишламоқдалар. Масалан, бир гуруҳ оқсоқолларнинг шикоятлари юзасидан Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги 25-дўконни текширганимизда, не кўз билан кўрайликки, мудиранинг ўзи йўғу, ўрнига эри ишлаб турибди. Суриштирсак, унинг савдо ишига умуман алоқаси йўқ экан. Боз устига унда тиббий кўрикдан ўтганлигини қайд этувчи ҳужжати ҳам йўқ. Дўконда касса аппарати ишламайди, турли маҳсулотлар бозордан олиб келиниб сотилмоқда. Сотилаётган консерва маҳсулотларининг сақланиш муддати ўтиб бўлган. А. Икромов номли хўжаликдаги 2 ва 21-дўконлардаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Бу каби камчиликларни тугатишга қаратилган шошилинч тадбирлар ишда ижобий ўзгариш ясади.

Туманда прокурорлик назоратини кучайтиришда шубҳасиз меҳнаткашларнинг хат ва аризалари, бевосита оғзаки мурожаатларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Улар иш ҳақи ва нафақа олиш, ер ва мулкни талон-тарож қилиш, уй-жойга доир қонунларнинг бузилаётганлиги ва бошқа шунга ўхшаш шахсий ва ижтимоий камчилик ва хатолар юзасидан маълумотлар беришмоқда. Ўз навбатида, бу маълумотлар жойлардаги камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг ижтимоий норозиликлари пайдо бўлишининг олдини олишда қўл келмоқда.

**Бахтиёр ХЎЖАЕВ, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.**

